

Ўзбекистон Республикаси
халқ таълими вазирининг
2019 йил “ 26” *сентябрь* даги
141 - сон буйруғига
3-ИЛОВА

**Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида спортнинг
шахмат туридан республика чемпионатини ташкил этиш ва ўтказиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон қарори, “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармонида белгилаб берилган вазифалар ижросига мувофиқ умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича республика чемпионатини (кейинги ўринларда чемпионат деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Чемпионат жойларда спорт иншоотларидан самарали фойдаланиш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ўқувчилар ўртасида дўстона алоқаларни янада кучайтириш, спортнинг шахмат турини ўқувчи ёшлар орасида оммалаштириш, ўқувчиларда жисмоний тарбия ва спортга бўлган ҳавас ва интилишни ҳамда жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини кучайтириш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини янада оширишга қаратилган.

2. Чемпионат тўрт босқичда мактаб (биринчи босқич), туман (шаҳар) (иккинчи босқич), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри (учинчи босқич) ҳамда республика (финал) босқичидан (тўртинчи босқич) иборат тарзда ташкил этилади.

3. Чемпионатнинг республика босқичи Тошкент шаҳри, Анҳор бўйи кўчаси, 10-уйда жойлашган Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилади.

2-боб. Чемпионатнинг мақсад ва вазифалари

4. Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, ўқувчилар ўртасида дўстона алоқаларни янада кучайтириш, спортнинг шахмат турини ўқувчи ёшлар

орасида оммалаштириш, иқтидорли ва кучли спортчилар захирасини шакллантириш.

5. Чемпионатнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда шахмат спортини оммалаштириш;

маданий ва спорт анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш;

юқори даражадаги чемпионатларни ўтказиш орқали спортчиларнинг маҳоратини ошириш;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган Жаҳон ва Осиё чемпионатида ўз ёш тоифаларида иштирок этиш учун саралаш босқичини ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш;

чемпионат, кубок мусобақаларини ташкил этиш орқали иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва миллий терма жамоани кучли спортчилар билан шакллантириш.

3-боб. Чемпионатни ўтказишга раҳбарлик қилиш

6. Чемпионатни ташкил этиш ва ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда Ўзбекистон “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши томонидан амалга оширилади.

7. Чемпионатнинг республика (яқуний) босқичини ўтказиш Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъатига топширилади.

8. Чемпионатнинг биринчи босқичи (мактаб), иккинчи босқичи (туман (шаҳар)) ва учинчи босқичларини (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) ташкиллаштириш ва ўтказиш ҳудудий халқ таълими, жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари, шахмат федерациялари ҳамда “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти бўлимлари томонидан амалга оширилади.

9. Чемпионатнинг қуйи босқичларини ўтказувчи ҳакамлар ҳайъати таркиби ҳудудий жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари томонидан тасдиқланади.

4-боб. Чемпионат иштирокчилари

10. Чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида таҳсил олаётган ўқувчилар қуйида белгиланган ўз ёш тоифалари бўйича қатнашишига рухсат этилади.

7 ёшгача:

Чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан 2 нафардан (1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз бола), Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятидан 4 нафаргача (2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз бола) ўқувчилар иштирок этадилар. Барча иштирокчилар 2012 йилда туғилган ёки ундан кичик ёшда бўлишлари шарт.

9 ёшгача:

Чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан 2 нафардан (1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз бола), Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятидан 4 нафаргача (2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз бола) ўқувчилар иштирок этадилар. Барча иштирокчилар 2010 йилда туғилган ёки ундан кичик ёшда бўлишлари шарт.

11 ёшгача:

Чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан 2 нафардан (1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз бола), Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятидан 4 нафаргача (2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз бола) ўқувчилар иштирок этадилар. Барча иштирокчилар 2008 йилда туғилган ёки ундан кичик ёшда бўлишлари шарт.

13 ёшгача:

Чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан 2 нафардан (1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз бола), Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятидан 4 нафаргача (2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз бола) ўқувчилар иштирок этадилар. Барча иштирокчилар 2006 йилда туғилган ёки ундан кичик ёшда бўлишлари шарт.

15 ёшгача:

Чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан 2 нафардан (1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз бола), Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятидан 4 нафаргача (2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз бола) ўқувчилар иштирок этадилар. Барча иштирокчилар 2004 йилда туғилган ёки ундан кичик ёшда бўлишлари шарт.

17 ёшгача:

Чемпионатда Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан 2 нафардан (1 нафар ўғил ва 1 нафар қиз бола), Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятидан 4 нафаргача (2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз бола) ўқувчилар иштирок этадилар. Барча иштирокчилар 2002 йилда туғилган ёки ундан кичик ёшда бўлишлари шарт.

11. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабидан ҳар бир ёш тоифаси бўйича 6 нафар (ўғил ва қиз болалар) чемпионатнинг республика босқичида иштирок этадилар.

12. Чемпионатнинг республика босқичида ҳар бир ёш тоифаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятдан 2 нафардан (1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола) иштирокчи қатнашади.

Чемпионат республика босқичининг ҳудудлар бўйича жамоалар таркиби куйидагича шакллантирилади:

Т/р	Худудий жамоалар	Жамоалар таркиби		Тренер-ўқитувчилар	Жами
		Ўғил болалар	Қиз болалар		
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	6	6	1	13
2.	Андижон вилояти	6	6	1	13
3.	Бухоро вилояти	6	6	1	13
4.	Жиззах вилояти	6	6	1	13
5.	Қашқадарё вилояти	6	6	1	13
6.	Навоний вилояти	6	6	1	13
7.	Наманган вилояти	6	6	1	13
8.	Самарқанд вилояти	6	6	1	13
9.	Сурхондарё вилояти	6	6	1	13
10.	Сирдарё вилояти	6	6	1	13
11.	Тошкент вилояти	6	6	1	13
12.	Фарғона вилояти	6	6	1	13
13.	Хоразм вилояти	6	6	1	13
14.	Тошкент шаҳри	6	6	1	13
15.	Вазирлик тасарруфидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби	6	6	1	13
ЖАМИ:		90	90	15	195

5-боб. Чемпионатни ўтказиш тартиби

13. Чемпионат Халқаро шахмат федерацияси (FIDE) қоидалари асосида рапид, стандарт ва блиц йўналишида бўлиб ўтади.

ёш тоифалари бўйича тўрт босқичда:

биринчи босқич - мактаб босқичи, 2019 йил 15-19 октябрь кунлари;

иккинчи босқич - туман (шаҳар) босқичи, 2019 йил 25-30 октябрь кунлари;

учинчи босқич - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи, 2019 йил 3-8 ноябрь кунлари;

тўртинчи босқич - республика (якуний) босқичи, 2019 йил 15-25 ноябрь кунлари ўтказилади.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабларида чемпионат уч босқичда (мактаб, мактаблараро ва республика) ўтказилади.

14. Чемпионатнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқичлари 7 турда швейцарча тизимда ўтказилади.

15. Биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларда чемпионат электрон ва механик соатлардан фойдаланган ҳолда ўтказилади ҳамда ҳар бир иштирокчи учун бир ўйин вақти 1 соат 00 дақиқа этиб белгиланади.

16. Чемпионатнинг республика босқичи рапид, стандарт ва блиц йўналишларида қуйидагича ўтказилади:

а) Стандарт йўналиши 9 турда, швейцарча тизимда электрон соатлардан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, ҳар бир иштирокчи учун бир ўйин вақти 1 соат 30 дақиқа этиб белгиланади. Иштирокчиларга биринчи юришдан бошлаб ҳар бир юриш учун 30 сониядан қўшимча вақт ажратилади;

б) Рапид йўналиши 7 турда, швейцарча тизимда электрон соатлардан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, ҳар бир иштирокчи учун бир ўйинда 10 дақиқа вақт белгиланади. Иштирокчиларга биринчи юришдан бошлаб ҳар бир юриш учун 5 сониядан қўшимча вақт ажратилади;

в) Блиц йўналиши 9 турда, швейцарча тизимда электрон соатлардан фойдаланган ҳолда ўтказилиб, ҳар бир иштирокчи учун бир ўйинда 3 дақиқа вақт белгиланади. Иштирокчиларга биринчи юришдан бошлаб ҳар бир юриш учун 2 сониядан қўшимча вақт ажратилади.

Барча ёш тоифасидаги чемпионат иштирокчилари стандарт йўналишида партияларни ёзиб боришлари ва бланкларни ҳакамлар ҳайъатига топширишлари шарт.

17. Чемпионат биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларининг ҳар бир босқичида 2 нафар иштирокчи (1 нафар ўғил бола ва 1 нафар қиз бола) учун кейинги босқичнинг ташкилотчиларига талабнома чемпионат бошлангунга қадар тақдим этилади.

18. Жамоалар чемпионатнинг республика босқичида ҳакамлар ҳайъати мандат комиссиясига қуйидаги ҳужжатларини тақдим этади:

жамоа аъзолари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган 2 нусхада талабнома (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мх-сон буйруғи (Адлия вазирлигида 2018 йил 5 сентябрда 3065-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган) билан тасдиқланган низом иловасидаги талабнома шаклида);

ўқувчининг паспорт ёки туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

ўқиш жойидан маълумотнома;

суғурта полиси (иштирокчининг ҳошишига кўра).

19. Чемпионатнинг республика босқичи иштирокчилари (жамоа) махсус кийимларда бўлишлари (ўғил болалар - бир хил спорт кийимлари ёки оқ кўйлак ва қора шим, қизлар - бир хил спорт кийимлари ёки оқ кўйлак, қора шим ёки юбка) талаб этилади.

Мазкур бандда кўрсатилган талабларга риоя этилмаган тақдирда, юборувчи ташкилотнинг масъул ходимига интизомий чоралар кўрилади.

20. Чемпионатнинг якуни юзасидан ҳисоботлар ҳакамлар ҳайъати томонидан Халқ таълими вазирлиги ва Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига топширилади.

7-боб. Чемпионат ғолибларини аниқлаш ва тақдирлаш

21. Чемпионат ғолиблари жами тўпланган очколар сонига кўра аниқланади. Очколар тенг бўлиб қолган ҳолларда, ғолибни аниқлаш Халқаро

шахмат федерацияси (FIDE)да швейцарча тизим учун қабул қилинган низом бўйича:

а) бир неча иштирокчиларда очколар сони бир хил бўлганда 1-ўринни аниқлаш учун:

“Ўзаро учрашув” (барча иштирокчилар ўзаро учрашганда);

“Бухгольц” кўрсаткичи;

“Ғалабалар сони” қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

б) кейинги ўринларни аниқлашда:

“Бухгольц”;

“Қисқартирилган Бухгольц”;

“Прогресс” қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

22. Чемпионатнинг биринчи, иккинчи ва учинчи босқич ғолиблари ҳудудий халқ таълими бошқармалари томонидан таъсис этилган диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

23. Чемпионатнинг республика босқичи ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг диплом, медаль, сертификат ва турли эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

24. Чемпионатнинг республика босқичида стандарт йўналиши бўйича ўз ёш тоифасида 1-ўринни эгаллаган иштирокчилар 2019 йилда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган Осиё чемпионатида асосий таркиб иштирокчиси сифатида иштирок этиш имкониятини қўлга киритадилар.

8-боб. Чемпионатни молиялаштириш

25. Биринчи, иккинчи ва учинчи босқичларида чемпионат иштирокчиларининг йўлқира ва йўлда овқатланиш билан боғлиқ харажатлари чемпионатга юборувчи ташкилот томонидан қопланади.

26. Чемпионат учинчи босқичи ғолибларининг республика босқичига келиб-кетишлари ва йўлда овқатланиш билан боғлиқ харажатлари ҳудудий халқ таълими бошқармалари ва бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан;

кузатувчи тренер-ўқитувчиларнинг хизмат сафари билан боғлиқ харажатлар уларнинг асосий иш жойидан ёки чемпионатга юборувчи ташкилот томонидан қопланади.

27. Чемпионат республика босқичида ҳакамларни овқатлантириш бўйича харажатлар Ўзбекистон шахмат федерацияси томонидан;

11- ва 12-бандларда кўрсатилган иштирокчиларни ётоқхона билан таъминлаш, уларни овқатлантириш ва транспорт воситалари билан боғлиқ ҳамда 1-3 ўринни эгаллаган умумжамоа учун кубоклар, эсдалик совғалари ва 1-3 ўринни эгаллаган ўқувчиларни диплом, медаль, сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирлаш, чемпионатнинг очилиш ва ёпилиш маросимларини ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан қопланади.

9-боб. Яқуний қоидалар

28. Чемпионат натижаси бўйича берилган шикоятларни кўриб чиқиш учун уч кишидан иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссиясининг таркиби чемпионат ташкилий қўмитаси томонидан тасдиқланади.

29. Чемпионат натижаларидан норози бўлган иштирокчилар томонидан чемпионат жараёнида апелляция комиссиясига мурожаат қилиниши мумкин.

Апелляция комиссияси томонидан апелляция шикоятлари Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2018 йил 9 июлдаги 10-мх-сон буйруғи (Адлия вазирлигида 2018 йил 5 сентябрда 3065-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган) билан белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

30. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган.